

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

БОБОМИРЗАЕВ ПИРНАЗАР ХУРСАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ МИНТАҚАСИДА ҚАТТИҚ БУҒДОЙ
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Бобомирзаев Пирназар Хурсанович

Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида каттик буғдой етиштириш
технологиясини мақбуллаштириш..... 3

Бобомирзаев Пирназар Хурсанович

Оптимизация технологии возделывания твёрдой пшеницы в южной зоне
Узбекистана..... 27

Bobormirzaev Pirnazar Xursanovich

Optimization of technology of cultivation of durum wheat in the southern zone
of Uzbekistan..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 57

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

БОБОМИРЗАЕВ ПИРНАЗАР ХУРСАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ МИНТАҚАСИДА ҚАТТИҚ БУҒДОЙ
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бичими: 84x60^{1/16}. «Times New Roman» гарнитура рақамли босма усулда босилди.
Шартли босма табағи: 4. Адади 100. Буюртма № 23.

«ЎзР Фанлар академияси Асосий кутубхонаси» босмахонасида чоп этилди.
100170, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13-уй.

ТОШКЕНТ – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Qx23 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.cottonagro.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Халилов Насридин**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Атабаева Халима Назаровна**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Сиддиқов Равшанбек Иномжонович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Ибрагимов Одилжан Олимжонович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Ўсимликшунослик илмий–тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «___» _____ 2017 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ к.ф.й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; E-mail: g.selek@qsxv.uz)

Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ к.ф.й, ЎзПИТИ кўчаси.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ж.Тешаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.х.ф.н., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

Автореферат «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали таҳририятида таҳрирдан ўтказилган.

инновации II Международной научно-практической конференции, 2016, Пенза, РФ, С.164-166.

31. Бобомирзаев П.Х., Халилов Н., Хамракулова Х.Б. Қаттиқ бугдойнинг суғориш тартиби ва минерал ўғитлар меъёрларини мақбуллаштириш / Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг натижалари ҳамда истиқболдаги вазифалари. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий мақолалари тўплами I-қисм. СамҚХИ.2017 йил 20-21 апрел. Самарқанд-2017, -Б.56-58.

32. Бобомирзаев П.Х. Влияние сроков посева на урожайность и качества зерна твердой и мягкой пшеницы в орошаемых землях на юге Узбекистана / Материалы XII Международной научно-практической конференции «Аграрная наука – сельскому хозяйству» ФГБОУ ВО «Алтайский ГАУ», г. Барнаул, 2017, С.-58-60.

33. Бобомирзаев П.Х., Хакимова З.Б. Суғориладиган ерларда экиш муддатларининг қаттиқ ва юмшоқ бугдой навлари уруғларининг дала шароитида унвчанлигига таъсири / Илм йўлидаги илк изланишлар “2017 йил – халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили”га бағишланган илмий конференция материаллари. I-қисм. Самарқанд-2017, Б.68-69.

34. Bobomirzaev P.Kh., Khalilov N., Elmurodova M. Optimization of the rate of water recharge of durum wheat in the south of Uzbekistan / Kangwon National University Korea, Samarkand Agricultural Institute Uzbekistan / International Conference on Agriculture, Regional Innovation and International cooperation, Samarkand-2017. –pp. -49-51.

35. Бобомирзаев П.Х. Қаттиқ бугдой ҳосилдорлигига нам тўплайдиган суғориш меъёрларининг таъсири / “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлашнинг қишлоқ хўжалиги, экология ва табиий ресурсларидан самарали фойдаланишни ривожлантиришдаги ўрни” Республика илмий анжумани мақолалар тўплами, Қарши-2017, -Б.37-39.

36. Bobomirzaev P.X. Influence of seeding rates on the yield and quality of hard wheat in irrigated areas in southern Uzbekistan// The Way of Science International scientific journal. 2 (36). 2017. ISSN 2311-2158. P.36-38.

37. Bobomirzaev P.X., Saidov J., Hakimova Z.B. Dependence of the growth and development of wheat from the sowing time in the southern zone of Uzbekistan // The Way of Science International scientific journal. 4 (38), 2017. ISSN 2311-2158. - P.24-26.

38. Bobomirzaev P.Kh. "Photosynthetic activity of durum wheat in irrigated lands"/ International Conference on European Science and Technology / Materials of the XVII international and practice conference. Munich, Germany, 2017. –pp. 83-89.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда бошоқли дон экинлари, жумладан, қаттиқ бугдой ҳосилдорлигини ва дон сифатини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Дунё бўйича 2016 йилда жами 724,0 млн. тонна бугдой дони етиштирилган бўлса, шундан, қаттиқ бугдойнинг ҳиссаси жами экилган бугдойнинг 5 фоизига тўғри келди ёки 30,0-35,0 млн. тонна қаттиқ бугдой дон етиштирилди¹.

Республикада мустақиллик йилларида бошоқли дон экинлари майдони кенгайиб, дон ҳосилдорлигини ошириш борасида кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида қисқа муддат ичида ғалла мустақиллигига эришилди. Бугдойзорларнинг асосий қисмида юмшоқ бугдой (*Triticum aestivum L.*) етиштириладиган бўлса, макарон ва қандолат саноати эҳтиёжи учун зарур бўлган қаттиқ бугдой (*Triticum durum Desf.*) дон ҳосиллини етиштиришга талаб кундан кунга ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало «...бошоқли дон экиладиган майдонларда замонавий сув ва ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этиш айниқса ғаллачиликни ривожлантиришга» алоҳида эътибор берилган. Бу борада ички ва ташқи бозорда қаттиқ бугдой донига бўлган эҳтиёжнинг юқорилигини ҳисобга олган ҳолда суғориладиган ва лалмикор ерларида мос навларни танлаш, етиштиришнинг мақбул агротехнологияларини такомиллаштириш борасида илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда ғалла етиштирувчи Хитой, Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Франция каби етакчи мамлакатларда қаттиқ бугдойнинг экологик шароитларга мос навларини танлаш, етиштириш технологияларини (экиш муддати, меъёри, суғориш, ўғитлаш ва бошқа.) мақбуллаштириш ҳисобига дон ҳосилдорлиги ва сифатини, ўсимликларнинг ташқи стресс омилларга бардошлигини ошириш кузатишмоқда. Қаттиқ бугдой биологик жиҳатдан юмшоқ бугдойга нисбатан қурғоқчиликка, юқори ҳароратга чидамлиги, занг ва қорақуя касалликлари билан кам зарарланиши, дони етилганда тўкилиб кетмаслиги билан ажралиб туради. Озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашда бошоқли дон экинлари, жумладан қаттиқ бугдой ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш бугунги кундаги ғаллачиликнинг энг муҳим аҳамиятга молик вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Қаттиқ буғдой навларини етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш борасида илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, олий таълим муассасалари жумладан Indian Institute of Wheat and Barley Research (Ҳиндистон), Chinese Academy of Agricultural Sciences (Хитой), Center for Agricalchiral Reseach in the Dry Areas (ICARDA) (Сурия), International Maize and Wheat Improvent Center (CIMMYT) (Мексика), Rural Development Administration (Корея), National Agricultural Research and Development Institute (Руминия), Central Field Crop Research Institute (Туркия), Россия донли экинлар илмий-тадқиқот институти, Россия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти, Краснодар ғаллачилик илмий- текшириш институти (Россия), Дон ва дуккакли экинлар илмий- тадқиқот институти, Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти, Самарқанд кишлок хўжалиги институти (Ўзбекистон)да олиб борилган.

Қаттиқ буғдойни етиштиришнинг мақбул агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича жаҳонда қуйидаги илмий натижалар олинган: қаттиқ буғдой навларининг биологик ва экологик хусусиятидан келиб чиқиб етиштириш агротехнологик тадбирлар қўлланганда ҳосилдорлик ошиши аниқланган (Unversity of Hohinheim); қаттиқ буғдой навлари ҳосилдорлиги ва дон сифатининг экологик муҳит қўлланилган агротехнологик тадбирларга боғлиқлиги аниқланган (Washington State University); экиш муддати ва меъёрларининг дон таркибидаги оксил ва клейковина миқдорининг ўзгаришига таъсир этиш механизми ишлаб чиқилган (Dryland Farming Institute (Хитой), International Center for Agricalchiral Reseach in the Dry Areas (ICARDA) (Сурия)); экиш муддати ва меъёрининг доннинг физик-технологик сифатига таъсири аниқланган (Indian Agricultural Research Institute (Ҳиндистон), International Maize and Wheat Improvement Center (CIMMYT) (Мексика).

Бугунги кунда жаҳонда қаттиқ буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: худудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос, муҳитнинг ноқулай, стрес омилларига чидамли, интенсив типдаги янги навларни яратиш, танлаш; маълум худуд шароитлари учун арзон, юқори ҳосилдорликни таъминлайдиган, макарон ва қандолат саноати талабларига

ва хусусий тадбиркорлик йили”га бағишланган илмий-амалий конференцияси, Самарқанд-2011. Б. 94-97.

22. Бобомирзаев П.Х. Ўзбекистоннинг жанубий минтасида қаттиқ буғдой ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили ва сифатининг агротехнологик омилларга боғлиқлиги / Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни жорий қилиш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари, Самарқанд-2012. Б.-170-174.

23. Бобомирзаев П.Х. Лалмикорликда қаттиқ буғдой ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили ва сифат кўрсаткичларига азотли, фосфорли ўғитлар ва экиш меъёрларининг таъсири / «Тупроқ унумдорлигини ошириш, ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришlashда манба тежовчи агротехнологияларни амалиётга жорий этишнинг аҳамияти» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари, Тошкент-2012.-Б.242-245.

24. Бобомирзаев П.Х. Ўзбекистоннинг жанубий минтасида қаттиқ буғдойдан мўл ва сифатли дон етиштиришга агротехнологик омилларнинг таъсири / Ўзбекистон жанубида кишлок хўжалик маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлашнинг муаммолари ва истиқболлари, Республика илмий – техник анжумани мақолалари тўплами, Қарши-2013, -Б. 20-23.

25. Бобомирзаев П.Х. Лалмикорликда қаттиқ буғдой дон ҳосили ва сифатига минерал ўғитларини таъсири / «Ўзбекистонда ғаллачиликнинг яратилган илмий асослари ва уни ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги халқаро илмий – амалий конференцияси, Илмий мақолалар тўплами, “Сангзар” нашриёти, Жиззах-2013, -Б. 290-292.

26. Бобомирзаев П.Х., Халилов Н.Х, Зиёдуллаев З.Ф. Суғориладиган ерларда қаттиқ буғдой етиштириш технологияси / Тавсиянома. «Меҳрибон Полиграфсервис МЧЖ», Самарқанд-2013, 24 б.

27. Бобомирзаев П.Х., Халилов Н.Х, Зиёдуллаев З.Ф. Лалмикор ерларда буғдой етиштириш етиштириш технологияси / Тавсиянома. «Меҳрибон Полиграфсервис МЧЖ», Самарқанд-2013, 40 б.

28. Халилов Н., Бобомирзаев П.Х., Ғайбуллаев С.Ғ., Ғайбуллаев Ғ.С. Янги яратилган буғдой навларининг агротехникаси / Тавсиянома. Самарқанд: “Меҳрибон Полиграф Сервис” МЧЖ босмаҳонаси. 2014. 32 б.

29. Бобомирзаев П.Х., Нурбоев С., Элмурадова М.А. Республикаимизнинг жанубий минтақасида қаттиқ буғдойни етиштириш технологияси бўйича тадқиқотлар натижалари / Kangwon National University Samarkand Agricultural Institute «Regional innovation systems in Agriculture» “Қишлоқ хўжалигида худудий инновацион тизимлар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами –Самарқанд: 2015.- Б.- 104-108.

30. Бобомирзаев П.Х. Оптимизация сроков посева твердой и мягкой пшеницы в орошаемых землях на юге Узбекистана / Фундаментальные и прикладные научные исследования актуальные вопросы достижения

² <http://www.dpi.nsw.gov.au>; <http://www.usda.gov>; <http://www.caas.cn/en>; <http://www.iwmi.cgiar.org>; <http://www.en.wikipedia.org>; <http://www.iari.res.in>; <http://www.cicr.org.in>; <http://www.global.oup.com>

12. Бобомирзаев П.Х. Қаттиқ бұғдой “Крупинка” навининг фотосинтетик фаолияти // Ўзбекистон экология хабарномаси журналы, Тошкент, 2017, № 4, (192), -Б.18-19. (06.00.00; № 2).

13. Бобомирзаев П.Х. Қаттиқ бұғдойнинг навларини экиш меъёрларининг ҳосилдорлик ва дон сифатига таъсири // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналы. -Тошкент, 2017, № 4, 42 б. (06.00.00; № 4).

14. Бобомирзаев П.Х., Хамрақулова Х. Б. Влияние сроков посева на полевую всхожесть семян сортов пшеницы орошаемых земель юга Узбекистана // Журнал Актуальные проблемы современной науки, 2017, № 4. – С.254-256. (06.00.00; № 5).

15. Бобомирзаев П.Х. Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида қаттиқ бұғдойнинг суғориш тартиби ва минерал ўғитлар меъёрларини мақбуллаштириш // “Agro kimyo himoya va usimliklar karanini” илмий-амалий журнал. -Тошкент, 2017, № 2, Б.48-49.

II бўлим (II часть; II part)

16. Бобомирзаев П.Х. Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида қаттиқ бұғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришнинг илмий асослари / Аспирант – докторант ва тадқиқотчиларнинг республика илмий – амалий анжумани материаллари. Тошкент -2007. -Б. 167-169.

17. Бобомирзаев П.Х. Суғориладиган ерларда қаттиқ бұғдойни дон ҳосили ва сифатининг шаклланишига агротехнологик омилларининг таъсири / Ёш олимлар, тадқиқотчилар ва аграр соҳадаги муаммолар /Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг 2008 йил «Ёшлар йили»га бағишланган илмий амалий анжумани материаллари. Самарқанд. 2008. Б.-5-9.

18. Бобомирзаев П.Х. Ўзбекистоннинг жанубида қаттиқ бұғдойни дон ҳосили ва сифатининг шаклланишини оптималлаштиришни агротехнологик асослаш / «Донли экинлар етиштириш ва уларни қайта ишлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш муаммолари» мавзуда ўтказилган республика илмий - амалий конференция, Қарши-2008. Б.123-127.

19. Бобомирзаев П.Х. Қаттиқ бұғдой етиштириш технологиясини такомиллаштириш / Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигида сув ва ресурс тежовчи агротехнологиялар// Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент: ЎзПИТИ, 2008. Б. 242-246.

20. Бобомирзаев П.Х. Ўзбекистоннинг жанубида қаттиқ бұғдойни ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили ва сифатининг агротехнологик омилларга боғлиқлиги / Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муаммолар ва ёш олимларнинг тадқиқотлари. Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига» бағишланган илмий-амалий анжумани, Самарқанд-2009. Б.40-44.

21. Бобомирзаев П.Х. Ўзбекистоннинг жанубида экиш муддатларини кузда экиладиган қаттиқ бұғдой навларининг биологик хусусиятларига боғлиқлиги / Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги устивор йўналишлар ва уларнинг ечимлари. Профессор-ўқитувчиларнинг 2011 йил “Кичик бизнес

жавоб берадиган, ресурс ва энергиятежамкор технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда илмий ташкилотлар (ICARDA, CIMMYT) ва олий таълим муассасалари соҳа мутахассислари томонидан бұғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштиришнинг ресурстежамкор технологиялари муайян тупроқ-иклим шароити ва навларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилмоқда (Pomeroy M., Seaman W.L., Butker G., Bonn. P.C., Hoekstra G., Reynolds M.R., Acevedo E., Ageeb O.A., Ahmad S., Balota M., Carvallo L.B., Fisher R.A., Ghanem E., Hanchinal R.R., Mann C.E., Okuyama L., Olugbeni L.B., G.Ortiz Ferra, Bazzaque M.A., Tandom R.).

Ўзбекистонда суғориладиган ерларда кузги юмшоқ бұғдойнинг биологиясини ўрганиш, минтақанинг тупроқ-иклим шароити навларнинг биологик хусусиятларига мос, мўл ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайдиган нав агротехникасини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор тадқиқотчилар Г.А.Лавронов, М.Аманов, А.Аманов, Р.Д. Джабборов, Р.А. Удачин, Н. Халилов, Т.Х. Ходжакулов, М.М.Тураев, З.Ф.Зиёдуллаев, Ш.И.Ирназаров, Н.И.Ирназарова, Х.Х.Келдиёрова, Б.М.Халиков, Ш.Х.Ризаев, Р.Сиддиқов, Е.Ю.Бердибоевлар навларни танлаш, ўғитлаш, суғориш, экиш муддати ва меъёрлари, бегона ўтларга қарши гербицидларни қўллаш масалалари ўрганилган.

Республикамызда А.К.Учуаткин, Ғ.Қурбонов, Н.М.Турдиевалар томонидан қаттиқ бұғдой етиштириш агротехнологиясининг баъзи элементларини ўрганилган, аммо, Республика вилоятлари бўйича энг кўп дон етиштирадиган Қашқадарё вилоятининг тупроқ-иклими шароитида қаттиқ бұғдойнинг дон ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш мақсадида суғориладиган ва лалмикор ерлар шароитида қаттиқ бұғдой етиштиришнинг агротехнологиясини ишлаб чиқиш каби масалалар комплекс ўрганилмаган. Сўнгги йилларда яратилган янги қаттиқ бұғдой навларининг биологик хусусиятлари, иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва мақбул, иқтисодий самарали, такомиллашган агротехникасининг ҳосил ва дон сифатининг шаклланиш хусусиятига таъсири бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги: Диссертация тадқиқоти Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг илмий-тадқиқот режасининг ҚХА-8-047 «Суғориладиган ерларда шўрланишни олдини олиб, экинзор фитосанитар ҳолатини яхшилайдиган, кузги бұғдойдан мўл ва сифатли ҳосил олишни ресурстежамкор агротехнологиясини яратиш» (2009-2011 йй.); ҚХА- 8-028 «Суғориладиган ерларда занг касаллигига, табиатнинг ноқулай омилларига чидамли серҳосил кучли ва қимматли юмшоқ бұғдой ҳамда анғизга экиладиган ловиянинг тезпишар навларини яратиш ҳамда уларнинг ресурстежамкор агротехнологияларини ишлаб чиқиш» (2011-2013 йй.); ҚХА- 8-007-2015 «Кузги бұғдойнинг суғориладиган

ерлар учун интенсив типдаги, серхосил, дон сифати кучли ва қимматли бугдой талабларига жавоб берадиган навларини яратиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё вилоятининг суғориладиган ва лалмикор ерлари шароитларида қаттиқ бугдой навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили олишни таъминлайдиган агротехнологик тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

суғориладиган ерлар шароитида турли экиш муддати ва меъёрларининг қаттиқ бугдой уруғларнинг дала унвчанлигига, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сифатига таъсирини аниқлаш;

суғориладиган ерларда навларнинг биологик хусусиятлари ва тупроқ-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда мақбул экиш муддати, меъёрини белгилаш;

экиш муддатларининг қаттиқ ва юмшоқ бугдой навлари илдиз тизимининг ривожланиш ва шаклланиш хусусиятларига, экиш муддатларининг қаттиқ бугдой фотосинтетик фаолиятига таъсирини ўрганиш;

мақбул кузги нам тўплайдиган суғориш меъёрини, суғориш тартиби ва минерал ўғит меъёрларининг қаттиқ бугдой ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили ва сифатига таъсирини аниқлаш;

лалмикор минтақаларида экиш меъёри, фосфорли, азотли ўғитлар мақбул меъёрлари ва муддатларининг қаттиқ бугдойнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сифатига таъсирини аниқлаш;

суғориладиган ва лалмикор ерлар шароитида етиштириш технологияси унсурларининг қаттиқ бугдой етиштиришнинг самарадорлигига таъсирини таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти сифатида суғориладиган типик бўз тупроқ, минерал ўғитлар, қаттиқ бугдойнинг Крупинка нави, дуварак Макуз 3 нави, баҳори Карлик 85 нави, кузги юмшоқ бугдойнинг Краснодарская 99 нави, қаттиқ бугдой Леукурум 3 нави, Марварид навлари олинган.

Тадқиқот предмети экиш муддати ва меъёри, суғориш тартиби ва минерал ўғитлар меъёри ҳамда уларнинг ўзаро таъсири, лалмикорликнинг кир-адирлик, тоғ олди минтақалари, экиш ва ўғитлаш меъёрлари, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлик, доннинг сифат кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-тадқиқот ишларида лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини қўйиш, биометрик ўлчаш, фенологик кузатиш, физиологик таҳлиллар «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методы агрохимических анализов почв и растений», «Методы агрофизических исследований», «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари» каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилди. Дала тажрибаларда олинган натижаларининг статистик таҳлили WinQSB-2.0 ҳамда Microsoft Excel дастурлари ёрдамида Б.А.Доспехов услуби бўйича ҳисобланган.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

Список опубликованных работ

List of published works

I бўлим (I часть; I part)

1. Халилов Н., Бобомирзаев П.Х. Кузги бугдойни ўғитлаш ва суғоришнинг илмий асослари // Монография. Тошкент Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Fan» нашриёти, 2009. - 156 б.

2. Халилов Н., Бобомирзаев П.Х. Бугдой // Монография. «N.Doba» ХТ, Самарқанд-2011. - 296 б.

3. Халилов Н., Бобомирзаев П.Х. Ўзбекистонда бугдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологияси// Монография. Самарқанд: Зарафшон нашриёти, 2014. Б.- 432.

4. Орипов Р., Бобомирзаев П.Х., Рахимов А.Р. Қаттиқ бугдой: ҳосилдорлик, сифат, экиш муддати // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. -Тошкент, 2008, № 4. 11 б. (06.00.00; № 4).

5. Бобомирзаев П.Х., Олтибоева Ф. Лалмикор майдонларда мўл ва сифатли қаттиқ бугдой ҳосили етиштириш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналининг “Агро-ИЛМ” иловаси. –Тошкент, 2013. -№ 1(25). -Б. 17-18. (06.00.00; № 1).

6. Бобомирзаев П.Х. Фотосинтетическая деятельность твёрдой пшеницы на юге Узбекистана в зависимости от режима орошения и нормы азотных удобрений // Ўзбекистон аграр фани хабарномаси журнали - Тошкент. 2013. № 1 (51). -Б. 11-13. (06.00.00; № 7).

7. Бобомирзаев П.Х. Ўзбекистоннинг жанубий минтасида қаттиқ бугдойдан мўл ва сифатли дон етиштириш // Ўзбекистон аграр фани хабарномаси журнали. -Тошкент. 2013. № 2 (52). -Б. 7-12. (06.00.00; № 7).

8. Bobomirzaev P.X., Khalilov N, Rakhimov A. R. Photosynthetic activity durum wheat depending on time and norms of seeding south Uzbekistan // Вестник Мичуринского государственного аграрного университета, 2017, № 1, ISSN 1992-2582. С.14-18. (06.00.00; № 10).

9. Бобомирзаев П.Х. Республикаимизнинг жанубида экиш муддатларининг бугдой ўсиш-ривожланишига таъсири // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналининг “Агро-ИЛМ” иловаси. –Тошкент, 2017, № 2 (46), С.38-39. (06.00.00; № 1).

10. Бобомирзаев П.Х. “Крупинка” қаттиқ бугдой навининг ўсиши-ривожланиши, дон ҳосили ва сифатининг экиш муддатлари ва меъёрларига боғлиқлиги // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. -Тошкент, 2017, № 3, – Б. 45. (06.00.00; № 4).

11. Бобомирзаев П.Х. Қаттиқ ва юмшоқ бугдой навлари қишга чидамлилигининг экиш муддатлари ва бугдой биологик хусусиятларига боғлиқлиги // Ўзбекистон экология хабарномаси журнали, Тошкент, 2017, № 1 (189), -Б.22-23. (06.00.00; № 2).

Practical results of the research are as follows:

The practical results of the research are as follows:

In the conditions of irrigated lands in the southern zone of Uzbekistan, taking into account the biological characteristics of soft and durum wheat varieties, optimum timing and cropping rates have been identified, ensuring high yield and efficiency. At early sowings (21.09) of the biologically winter variety of hard wheat Krupinka follows the rates of sowing of virgin seeds per hectare to 3.0 million pieces, with sowing 11.10 the optimal seeding rate per hectare of virgin seeds is 5.0 million pieces, and at late planting times (1.11) the seeding rate is increased to 6.0 million pieces, with the sowing on 21 October of the biologically spring cultivar Karlik 85 and the two-hand variety of durum wheat Makuz 3, the rate of sowing per hectare is 5.0 million pieces of virgin seeds; It was revealed that the highest yield and efficiency were obtained when cultivating the grade of durum wheat Makuz-3 under irrigation regime 70-75-65% of the field water capacity with application of $N_{210}P_{105}K_{70}$ kg / ha of mineral fertilizers against the background of water recharge irrigation (1200 m³/ha), taking into account rainfall irrigation 4 times in order 1-2-1;

Recommendations are developed to ensure the production of high and high-quality grain crops in conditions of a flat-hilly zone of rainfed lands when planting 2.5 million pieces per hectare. of fresh seeds, in the foothill zones 3.0 million pieces. seeds, and also before application of plowing P_{40} kg / ha in conditions of an elevated, flat-hilly zone of rainfed lands and application of N_{40} kg / ha fertilizer in the tillering phase in the foothill areas before plowing, P_{60} kg / ha, in the tillering phase N_{40} kg / ha and in the phase of outlet into the tube N_{20} kg / ha.

Implementation of the research results. As a result of the research carried out to optimize the technology of cultivation of hard wheat in the southern zone of the Republic:

Developed the documentation on the topic "Technology of cultivation of hard wheat in irrigated lands" and "Technology of cultivation of wheat in rainfed lands" to optimize the technology of cultivation of hard wheat in the southern zone of Uzbekistan. This recommendation provides information on the agrotechnology of growing durum wheat in farms for food purposes. In the conditions of the farms of the Kashkadarya and Surkhandarya regions, the developed system of measures was implemented on an area of 1,070.8 hectares (Certificate of the Ministry of Agriculture and Water Resources of the Republic of Uzbekistan for No. 02 / 09-4250 of August 2, 2017 and 02.09.2017 for No. 02/23-520);

The recommended technology for the introduction in conditions of irrigated land was obtained 12.2-13.8 centners of additional yield of hard wheat grain and 812.16-918.61 thousand soums of additional profit, in the conditions of rainfed lands the additional grain yield obtained is 4.2- 4.8 centners, with 279.58-319.52 thousand soums of additional profit.

The structure and volume of the thesis. The structure of the dissertation consists of an introduction, seven chapters, an opinion, a list of references and an appendix. The volume of the thesis is 200 pages.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор республиканинг жанубий минтақаси суғориладиган ерларида Давлат реестрига киритилган қаттиқ бугдой навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда етиштириш технологияси элементлари мақбуллаштирилган;

республикамининг жанубий минтақаси суғориладиган ва лалми ерлари шароитида қаттиқ бугдой навларининг ўсиши, ривожланиши, илдиз тизими шаклланиши, фотосинтетик фаолияти, дон ҳосили ва сифати аниқланган ҳамда мос навлари танланган;

жанубий минтақа шароитида қаттиқ бугдойдан мўл ва сифатли дон етиштиришни таъминлайдиган суғориладиган ерларда Давлат реестрига киритилган қаттиқ бугдой навларининг мақбул экиш меъёри ва муддати, суғориш тартиби ва минерал ўғитларни қўллаш меъёрлари аниқланган;

лалмикорлик шароитида экиш ва ўғитлаш меъёрлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўзбекистоннинг жанубий минтақаси шароитида юмшоқ ҳамда қаттиқ бугдой интенсив навларининг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мақбул экиш муддати, меъёрлари аниқланган, биологик кузги қаттиқ бугдой Крупинка нави эрта экилганда (21.09), экиш меъёри гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғ, мақбул муддат (11.10)да гектарига 5,0 млн.га унувчан уруғ ва кеч муддат(1.11.)да экиш меъёрини гектарига 6,0 млн.га ошириш, қаттиқ бугдойнинг биологик баҳорги Карлик 85 ва дуварак Макуз 3 навларини 21октябрда гектарига 5,0 млн. унувчан уруғ ҳисобида экилганда юқори ҳосилдорлик ва самарадорлик кузатилган;

Қаттиқ бугдойнинг Макуз-3 навини тупроқ намлиги ўсув даврида нам тўплайдиган суғориш (1200 м³/га) фонида атмосфера ёғинларини ҳисобга олган ҳолда 4 марта 1-2-1 схемада тупроқ суғориш олди намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% тартибда суғориб ўстириш билан биргаликда, гектарига $N_{210}P_{105}K_{70}$ кг/га минерал ўғитлар меъёрларини қўллаш энг юқори ҳосил олиш ва самарадорликни таъминлаши аниқланган;

Лалмикорликнинг кир-адирлик минтақасида экиш меъёри гектарига 2,5 млн унувчан уруғ, тоғ олди минтақасида, гектарига 3,0 млн. унувчан уруғ экиш ҳамда кир-адирлик минтақасида P_{40} кг/га шудгордан олдин ва баҳорда тупланиш фазасида N_{40} кг/га қўллаш, тоғ олди минтақасида эса, P_{60} кг/га шудгордан олдин ва баҳорда тупланиш фазасида N_{40} кг/га ва найчалаш фазасида N_{20} кг/га қўллаш энг юқори ва сифатли дон ҳосили олишини таъминлайдиган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала ва лаборатория тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга статистик ишлов бериш, назарий ва амалиёт натижаларининг бир-бирига мос келганлиги, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларга асосланганлиги, тажрибалар ва олинган илмий, амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб ижобий баҳоланганлиги

ва тадқиқотлар натижалари амалиётда кенг жорий этилганлиги ҳамда тадқиқотлар натижалари республика ва ҳалқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация шароитларининг илмий аҳамияти Ўзбекистоннинг жанубий минтақаси шароитида қаттиқ буғдой етиштириш учун тупроқ -иклим шароити ва навларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суғориладиган ерларида экиш муддати, меъёри ва уларнинг ўзаро таъсири, суғориш тартиби, минерал ўғитлар меъёрларини ва уларнинг ўзаро таъсирини, лалмикорликнинг қир-адирлик ва тоғ олди минтақаларида, экиш ва минерал ўғитлар мақбул меъёрларининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти республика жанубий минтақаси суғориладиган ерлари шароитида мўл, юқори сифатли дон ҳосили етиштиришни таъминлайдиган мақбул экиш муддати, меъёри, суғориш тартиби ва минерал ўғитлар меъёрларини, лалмикор ерларда экиш ва минерал ўғит меъёрларини қамраб олган илмий асосланган агротехнологик тадбирлар тизимининг ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республиканинг жанубий минтақаси шароитида қаттиқ буғдой етиштириш агротехнологиясини мақбуллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида қаттиқ буғдой етиштириш технологиясини мақбуллаштириш бўйича Суғориладиган ерларда қаттиқ буғдой етиштириш технологияси, Лалмикор ерларда буғдой етиштириш технологияси мавзуларидаги тавсиянома ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 2 сентябрдаги 02/23-520 сонли маълумотномаси). Бунда фермер хўжаликларида қаттиқ буғдой етиштириш технологиясини мақбуллаштириш бўйича зарур тавсиялар берилган.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг суғориладиган ва лалмикор ерларидаги фермер хўжаликларида 2011-2016 йилларда қаттиқ буғдойнинг Давлат реестрига киритилган навларини етиштиришнинг мақбул агротехнологияси 1070,8 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 2 августдаги 02/09-4250-сон маълумотномаси). Бунда қаттиқ буғдойни етиштиришда мақбул агротехнология қўлланганда анъанавий усулга нисбатан суғориладиган ерларда қаттиқ буғдойдан 12,2-13,8 центнергача қўшимча дон ҳосили ва гектаридан 812,1-918,6 минг сўмгача, лалмикор ерларда эса, 4,2-4,8 центнер қўшимча дон ҳосили ва 279,5-319,5 минг сўмгача қўшимча даромад олишга эришилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили Самарқанд кишлоқ хўжалик институтининг апробация комиссияси

The aim of the research work is to develop and scientifically substantiate the effective, acceptable agrotechnology providing high and quality yield of durum wheat yield in the conditions of irrigated and rain-fed lands of the Kashkadarya region, as well as creating recommendations for production.

Research tasks include: In conditions of irrigated lands, the determination of the influence of different terms and standards of sowing on the field germination of seeds of durum wheat;

revealing the influence of the terms and norms of sowing on the growth, development, yield and quality of durum wheat grain;

in conditions of irrigated lands, the establishment of optimal timing and standards for sowing, taking into account the biological characteristics of varieties of durum wheat and soil and climatic conditions;

revealing the influence of the sowing time on the features of development and formation of the root system of durum and soft wheat;

revealing the influence of the timing of sowing on the photosynthetic activity of solid wheat; Setting the optimal rate of water recharge irrigation;

the influence of different irrigation regime and fertilizer rates on the growth, development, yield and quality of durum wheat grain;

in the conditions of a rich plain-hilly zone (Chirakchinsky district) and foothill (Kitobsky area) zones of the Kashkadarya region, the influence of the seeding rates, norms and timing of phosphate and nitrogen fertilizers application on the growth, development, yield and quality of durum wheat grain;

in the conditions of irrigated and rainfed lands (Chirakchinsky district and the Kitob district), the identification of the influence on the economic efficiency of the cultivation of hard wheat methods of technology and the development of improved, acceptable, cost-effective agrotechnology.

The object of the research: The object of research was durum wheat varieties for sowing on irrigated lands, timing, seeding rates, different irrigation regimes and fertilizer rates for the cultivation of the winter variety of hard wheat Krupinka, the two-handed variety of hard wheat Makuz 3, the spring variety of hard wheat Karlik 85, the winter variety of soft wheat Krasnodar 99; in the conditions of a low-lying flat-hilly and foothill zone, the seeding rates and fertilizer application rates (nitrogen, phosphorus) in the cultivation of the varieties of durum wheat Leukurum 3 and Marwarid.

Scientific novelty of the research work is in the following:

For the first time in the conditions of irrigated lands in the southern zone of the Republic, elements of technology for growing varieties of durum wheat included in the State Register have been optimized, taking into account their biological characteristics;

For the first time in the conditions of irrigated and rain-fed lands of the southern zone of the Republic, the growth, development, yield and grain quality were studied, and the varieties optimal for a given zone were selected;

The title of the doctoral dissertation (DSc) has been registered by the Supreme Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under B2017.1.DSc/Qx23.

The doctoral dissertation is executed at the Samarkand Agricultural Institute.

The dissertation's abstract in three languages (Uzbek, Russian and English (rezume)) can be found in the following webpages: the Scientific Council portal (www.cottonagro.uz) and Information-educational portal «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Scientific consultant: **Xalilov Nasriddin**
Doctor of agricultural sciences, Professor

Official opponents: **Atabayeva Halima Nazarovna**
Doctor of agricultural sciences, Professor

Siddiqov Ravshanbek Inomjonovich
Doctor of agricultural sciences

Ibragimov Odiljon Olimjonovich
Doctor of agricultural sciences

Leading organization: **Plant Industry Research Institute**

Defense of the doctoral dissertation will take place on «__» _____ 2017 at ____⁰⁰ at the Scientific Council Meeting DSc.27.06.2017.Qx.42.01 at the Cotton Breeding, Seed Production and Agrotechnologies Research Institute at the following address: UzPITI str., Ak-kavak 111202, Kibray district, Tashkent province, Uzbekistan. Tel: (+99895) 142-22-35., Fax: (99895) 150-61-37, e-mail: g.selek@qsvxv.uz

The doctoral dissertation is registered in the Information-resource center of the Cotton Breeding, Seed Production and Agrotechnologies Research Institute, registration number № _____. The text of the dissertation is available at the Information Research Center at the following address: UzPITI str., Ak-kavak 111202, Kibray district, Tashkent province, Uzbekistan. Tel: (+99895) 142-22-35., Fax: (99895) 150-61-37, e-mail: g.selek@qsvxv.uz

The abstract of the dissertation was circulated at " ____ " _____ 2017.
(mailing report № ____ on _____)

Sh.J.Teshaev
Chairman of the Scientific Council on award of scientific degree of doctor of sciences, Dr.Agr.Sc., Professor

F.M.Khasanova
Scientific secretary of the Scientific Council on award of scientific degree of doctor of sciences, Ph.D., Senior Researcher

Dj.Kh.Akhmedov
Chairman of the Scientific Seminar under the Scientific Council on award of scientific degree of doctor of sciences, Dr.Biol.Sc.

томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари Пенза (Россия, 2016), Барнаул (Россия, 2016), Мюнхен (Германия, 2017), Самарқанд (2015, 2017), Тошкент (2008, 2012) Ғаллаорол (Ўзбекистон, 2013) бўлиб ўтган халқаро кнференцияларда, Самарқанд кишлоқ хўжалик институтининг профессор – ўқитувчиларининг илмий-ҳисобот конференцияларида (Самарқанд, 2001-2017) муҳокама қилинган. Шунингдек тадқиқот натижалари бўйича Самарқанд (1999-2017), Қарши (2008, 2013, 2017), Тошкент (2007, 2008, 2012) шаҳарларида ўтказилган республика конференцияларда маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иши чоп этилган, шулардан, 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қаттиқ ва юмшоқ буғдойни етиштириш технологияси бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича илмий манбалар ва кўп сонли тажрибалар натижалари таҳлил қилиниб қаттиқ буғдой етиштириш технологиясини мақбуллаштириш орқали навларининг ҳосилдорлигини ошириш, уларнинг биологик хусусиятлари хорижда ва республикада қаттиқ ва юмшоқ буғдой етиштириш технологиялари соҳасида ўтказилган илмий - тадқиқотлар чуқур таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Илмий-тадқиқот ўтказиш шароити, дастури ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иклим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани тупроқлари механик таркиби ўртача кумоқ, типик бўз, автоморф, сизот сувлари сатҳи чуқур (10–21 м) жойлашган бўлиб, ернинг нишаблигига боғлиқ ҳолда турли даражада зичлашган. Тажриба даласининг тупроғи ҳайдов қатлами озика моддалари билан ўртача, ҳайдов ости қатлами эса кам таъминлангани баён қилинган.

BOBOMIRZAYEV PIRNAZAR XURSANOVICH

OPTIMIZATION OF TECHNOLOGY OF CULTIVATION OF DURUM
WHEAT IN THE SOUTHERN ZONE OF UZBEKISTAN

06.01.08 – Plant Production

ABSTRACT OF DOCTORAL DISSERTATION
OF AGRICULTURAL SCIENCES (DSc)

Ҳайдалма қатламда (0-40 см) чиринди миқдори 1,05 % ни ташкил этади. Пастки қатламда унинг миқдори яна камая боради. Тажриба ўтказилганда тупроқлари гумус ва азот миқдорига кўра типик бўз тупроқларга хос.

Тупроқдаги ҳаракатчан шаклдаги озика унсурларининг миқдори ҳам тупроқ қатламининг чуқурлашиши билан камайиб боради. Тупроқдаги нитратларнинг миқдори 0-20 см қатламда 13,4 мг/кг бўлган бўлса, пастки қатламларда бу кўрсаткич янада камайиб боради.

Ҳаракатчан фосфор миқдорига кўра, тажриба даласидаги фосфорнинг миқдори 35 мг/кг ўртача таъминланган тупроқларга киради. Чуқурлашиб бориш билан тупроқдаги ҳаракатчан фосфор камаяди. Алмашинадиган калий миқдорига кўра ўртача таъминланган. Тупроқдаги алмашинадиган калий миқдори 0-60 см қатламда 225 мг/кг га тенгдир. Озика моддалар миқдорига кўра, ўртача унумдорликка эга. Тупроқнинг рН муҳити -7,0-7,1 га тенг.

Суғориш манбалари асосан Зарафшон сув ҳавзаси ҳисобига амалга оширилади.

Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани лалмикорликнинг тоғ олди минтақаси тупроғи механик таркиби ўртача кумоқ, типик бўз, сизот сувлари сатҳи чуқур (22 м) жойлашган бўлиб, ҳайдалма қатламда (0-40 см) чиринди миқдори 1,11 % ни ташкил этади.

Қамаши, Шахрисабз метеостанцияларининг кўп йиллик ўртача иқлим маълумотлари таҳлиliga кўра, энг паст ҳаво ҳарорати январь ойида Қамашида -1,2 °C ни, Шахрисабзда -6,7°С ни ташкил этса, энг юқори ҳарорат июль ойида мувофиқ ҳолда 28,8; 29,4°С бўлган.

Вилоятда совуқ бўлмайдиган давр катта. Текислик минтақада унинг давомийлиги 220-240 кун, тоғли туманларда 175-200 кун. Айрим йиллари қор бўлмайдиган давр давомийлиги 280-300 кунга этади.

Биринчи совуқ кузда 14 октябрдан 2 ноябргача, охириги совуқ 16-25 мартда кузатилади.

Қамаши, Шахрисабз об-ҳавони кузатиш метеостанцияси маълумотлари таҳлиliga кўра, кўп йиллик ёғингарчилик миқдори мувофиқ ҳолда ўртача 350,3; 514,5 мм ни ташкил этади.

Тадқиқот ўтказилган (2001-2015) йилларда Қамаши метеостанцияси бўйича ёғингарчилик миқдори 260,8 мм дан 546,4 мм гача, Шахрисабз метеостанцияси бўйича ёғингарчилик миқдори 337,6 мм дан 726,6 мм гача бўлганлиги кузатилган.

Дала тажрибаларида қуйидаги илмий изланишлар олиб борилган: фенологик кузатишлар, биометрик ўлчашлар қишлоқ хўжалик экинларини нав синаш инспекциясини услуги (1989) ҳамда ЎзПИТИнинг «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) бўйича ўтказилди. Барг индекси, экинлар фотосинтетик потенциали (ЭФК), фотосинтез соф маҳсулдорлиги А.А.Ничипорович ва бошқалар (1961), И.С.Шатилов (1975)] услублари бўйича аниқланган.

TASHKENT - 2017

есть при влажности почвы перед поливом на уровне не менее 70-75-65 % от предельно полевой влагоемкости и удержание её на фоне влагозарядного полива рекомендуется внесение минеральных удобрений в норме $N_{210}P_{105}K_{70}$. В условиях богарной равнинно-холмистой зоне (Чирокчинский район), наполовину обеспеченной влагой зоне при выращивании сортов твердой пшеницы Леукурум 3 и Марварид с оптимальной нормой высева 2,5 млн. шт. всхожих семян и в условиях обеспеченной влагой богарной предгорной зоне (Китабский район) с нормой высева 3,0 млн. шт. всхожих семян при посеве во второй половине октября, а также в условиях богарной равнинно-холмистой зоне рекомендуется внесение перед вспашкой P_2O_5 в норме 40 кг/га, весной в фазе кушения азота в норме 40 кг/га и в условиях богарной предгорной зоны внесение перед вспашкой P_2O_5 в норме 60 кг/га, азота - весной в фазе кушения в норме 40 кг/га + в фазе выхода в трубку 20 кг/га.

10. За счет совершенствования способов технологии выращивания сортов твердой пшеницы (сроки и нормы посева, режим орошения и нормы удобрений) в условиях орошаемых и богарных земель фермерских хозяйств производственными испытаниями и внедрением результатов исследований в производство доказана экономическая эффективность выращивания твердой пшеницы по отношению к сортам мягкой пшеницы.

Тупрокнинг таркибидаги гумус И.В.Тюрин услуги бўйича, $N-NO_3$ -Гранвальд-Ляжу услуги бўйича, P_2O_5 -Мачигин услугида, алмашинадиган калий оловли фотоколориметрда В.П.Протасов услугида аниқланган. Тупрокдаги умумий азот ва фосфор К.Е.Гинзбург, Е.М. Шеглова ва В.В.Вильфиус, умумий калий Смит услубларида аниқланган.

Тажрибадаги қаттиқ буғдойнинг ҳосил структурасини аниқлаш учун ҳосил йиғиштириб олишдан олдин, ҳар бир вариант ва такрорликларда белгилаб қуйилган ($0,5\text{ м}^2$) пайкалчалардан 100 туп ўсимлик намуналари олинди. Лаборатория шароитида уларда: ўсимликнинг буйи, умумий ва маҳсулдор поялар ҳамда 1 м^2 даги бошоқли поялар сони, бошоқ узунлиги, бошоқ ва бошоқчалардаги донлар сони, 1 та бошоқдаги ва 1000 та доннинг массаси, 1 м^2 пайкалчадан олинган дон ва доннинг чикими, доннинг намлиги ва ифлосланганлик даражаси ГОСТ бўйича, доннинг шаффофлиги (шишасимонлиги) диафаноскоп ДСЗ-3 асбоби ёрдамида танламасдан олинган 100 дон донда, дон натураси ПХ-1 асбоби ёрдамида, дон таркибидаги хом протеинни азотни Кьельдал усулида аниқлаб, олинган кўрсаткични 5,7 га кўпайтириш йўли билан, оксил Барнштейн методи бўйича аниқланган. Клейковина миқдори ГОСТ 13586-1-68 бўйича намунадан тайёрланган хамирни центрифуга орқали ювиш йўли билан унинг сифати эса, ИДК-3 асбобида аниқланган.

Диссертациянинг «**Суғориладиган ерларда экиш муддати ва меъёрларининг қаттиқ буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили ва сифатига таъсири**» деб номланган учинчи бобида Қашқадарё вилояти шароитида ўрганилган қаттиқ буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили, сифатига экиш муддати, меъёри ва уларнинг ўзаро таъсири, экиш муддатларининг қаттиқ ва юмшоқ буғдой навлари фотосинтетик фаолияти ва илдиз тизими шаклланишига таъсири натижалари баён этилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, типик бўз тупроқлар шароитида олиб борилган тажрибаларда уруғларнинг дала шароитида унувчанлигининг экиш муддати ва меъёрларига боғлиқлиги аниқланган. Тажрибаларимизда эрта (1.10) муддатда экилган қаттиқ буғдойнинг Крупинка, Карлик 85 навларида уруғларнинг дала унувчанлиги мувофиқ ҳолда 87,5; 87,2% юмшоқ буғдойнинг Краснодарская 99 навида эса, 88,6 % бўлган. Уруғларнинг дала унувчанлиги юқори бўлиши октябрнинг иккинчи ўн кунлигида (11.10) кузатилади, яъни уруғларнинг унувчанлиги эрта муддатда (1.10) экилгандагига нисбатан Крупинка, Карлик 85, Краснодарская 99 навларига мувофиқ ҳолда 2,7; 2,8; 3,0 % га ошди. Экиш муддатларини кечикиши билан иккала буғдой тури навларида ҳам уруғларда дала унувчанлигининг камайиши кузатилди. Бу кўрсаткич ноябрнинг иккинчи ўн кунлигида (11.10) октябрнинг иккинчи ўн кунлигига (11.10) нисбатан Крупинка нави бўйича 7,7; Карлик 85 да 8,3; Краснодарская 99 да 7,9 % камайган.

Тадқиқотларда Крупинка, Карлик 85 навлари гектарига 3,0 млн унувчан уруғ экилганда дала шароитидаги унувчанлик мувофиқ ҳолда 90,3; 87,2 % бўлган. Экиш меъёри гектарига 6,0.млн унувчан уруғ бўлганда дала

шароитидаги унувчанлик 3,0 млн унувчан уруғ экилганга нисбатан Крупинка да 6,8 %, Карлик 85 навида 5,5% ва Макуз 3 навида эса 5,2 % камайган.

Тажрибаларимиздан олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, ўртача 2010-2012 йиллар мобайнида қаттиқ буғдой қишга чидамлиги таҳлил қилинганда эрта (1.10) муддатда Крупинка, Карлик 85, Краснодарская 99 навлари экилганда ўсимликларнинг нобуд бўлиши навларга мувофиқ 14,5; 19,8 ва 12,6% бўлган, энг яхши натижалар уруғлар оптимал муддатда ва меъёрда экилган майдонларда кузатилган. Бу кўрсаткич экиш 1 октябрда гектарига 3,0 млн, унувчан уруғ экилганда 83,7 %га тенг бўлган.

